


# Танамиздаги қўриқчилар



17:15 / 10.02.2021 1954

(учинчи мақола)

## Қизилўнгачимиз.


Қизилўнгач овқат ҳазм қилиш тизимининг ҳалқум билан ошқозон ўртасидаги қисми. Одамда қизилўнгач орқа кўкс оралиғида жойлашган 23-25 см узунликдаги мускулли найчадан иборат бўлиб, [кўкрак](#) қафасидан [диафрагма](#) тешиги орқали [қорин](#) бўшлиғига ўтади ва меъдага уланади. Қизилўнгач девори шиллик, шиллик ости ва мускул қаватлардан иборат. Шиллик қавати бурмаларга йиғилган бўлиб, овқат луқмаси ўтаётганида текисланади. Қизилўнгач ташқи томондан [бириктирувчи тўқима](#) билан қопланганлиги сабабли овқат луқмаси ўтаётганида кўндаланг диаметрини осонликча ўзгартира олади. Ютилган овқат луқмаси қизилўнгач перистальтикаси тўфайли меъдага, кейин овқат ҳазм қилиш системасининг ҳамма қисмига ўтади. [Перистальтика](#) — мускулларнинг [тартиб](#) билан қисқариши овқат ҳазм қилиш системасининг барча қисмида бўлади. Ютинганда қизилўнгач мускуллари [рефлектор](#) қисқариши тўфайли овқат луқмаси юқоридан пастга йўналади.

## Ошқозонимиз.

Ошқозон сифими ҳар кимда ҳар хил: янги туғилган болада 20-30 мл, ўрта ёшдаги одамларда 1-3 л; эркеклар меъдаси аёлларникига нисбатан каттароқ бўлади.

Ошқозонни меъда ҳам дейилади. Меъда девори шиллиқ, [шиллик парда](#) ости, мускул ва сероз қаватдан иборат. Меъда ташқаридан [сероз парда](#) билан қопланган, ички юзаси шиллик парда билан қопланган, бу парданинг бурмалари остида жуда кўп безлар бор.

Меъданинг ички девори мукоз деб аталадиган қатлам билан қопланган. Мукоз ичида кислота, пепсин ва мукус ишлаб чиқарадиган безлар жойлашган.



Мукозда гўёки ер юзидаги тоғлар ва водийлар каби ўнқир-чўнқирликлар бор. Бу ўнқир-чўнқирликларда кичик бир юзага кенг мукоз жойлаштирилганини билиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ҳазмни таъминловчи юқорида санаб ўтилган моддаларнинг етарли микдорда ишлаб чиқаришига имкон беради.

Агар ана шундай ўнқир-чўнқирлар бўлмаганида эди, ошқозоннинг ички девори юзаси кичрайиб, натижада ҳазмда иштирок этувчи безларнинг сони камайган, керакли моддалар ҳазмни таъминлаш учун етарли микдорда ишлаб чиқарилмаган бўларди.

Ошқозон кислотаси бу водород хлорид ( $\text{HCl}$ ) бўлиб, у юқорида айтилган мукоз ичида жойлашган безлар томонидан ишлаб чиқарилади. Ўтказилган кўпгина тадқиқотларга қарамай буни қандай ҳосил бўлиши ҳали тўлиқ

аниқланмаган. Соф меъда суви HCl концентрацияси  $\text{pH}(-1)$  бўлиб кислотали муҳитдан иборат. Қондаги водород ионининг зичлиги жиҳатидан меъда сувидан бир миллион марта кўп. Бу биологияда энг таажжубли ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Мукусни кўпол қилиб айтганда «шилимшиқ модда» ҳам дейиш мумкин. У мукоз юзасига доим ёпишиб ҳар турли озуқани эритувчи меъда сўлаги, меъданинг ўзини эритиб юборишидан тўсиб туради. Бундай муҳофазада мукоздаги махсус тузилишнинг (шаклининг) ҳам таъсири борлигини айтиш мумкин. Лекин бу хусус ҳали тўлиқ очиб берилмаган.

Ошқозонда мазкур кислота бўлмаганда, инсониятнинг деярли ярми ҳазмнинг бузилиши ва баъзи овқатларни ҳазм қилолмасликдан ҳалок бўлиши мумкин экан.

Бордию ошқозон ички деворларида кислотага чидамли, уни бошқа аъзоларга ўтиб кетишидан тўсиб турувчи парда бўлмаганда, бутун тана мазкур кислота сабабли эриб кетиши мумкин экан.

*(Давоми бор)*

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***